



## КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ЁШЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Юсуфалиев Олимжон Абдурахмонович** -  
 Гулистон давлат университети  
 Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси, PhD  
**Комилова Сарвиноз Қайумжон қизи** -  
 Гулистон давлат университети докторанти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a25](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a25)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, меҳнат бозорида ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг иш бандлигига кўмаклашиш, ёшлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, уларнинг бизнес, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда иш билан бандлигини ошириш борасида олимларнинг қарашлари, фаразлари, соҳага оид муаммолар статистик таҳлиллар ёрдамида ўрганилиб, тегишли тартибда хулоса ва таклифлар келтириб ўтилди.

**Калит сўзлар:** камбағаллик, ёшлар, меҳнат бозори, бандлик, иқтисодий фаол, турмуш даражаси, аҳоли, фаровонлик, тадбиркорлик, бизнес, инсон капитали, даромад, иш ҳақи, ишсизлар, бюджет, лойиҳа.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ МОЛОДЕЖИ НА РЫНКЕ ТРУДА В СОКРАЩЕНИИ БЕДНОСТИ

**Юсуфалиев Олимжон Абдурахмонович** -  
 Старший преподаватель "Экономического факультета"  
 Гулистанского государственного университета, PhD  
**Комилова Сарвиноз Каюмджон қизи** -  
 Докторант Гулистанского государственного университета

**Аннотация.** В данной статье были изучены взгляды ученых, гипотезы, проблемы, связанные с данной областью, в области статистического анализа с целью сокращения бедности в нашей стране, содействия их трудоустройству на рынке труда с целью социально-экономической поддержки молодежи, создания здоровой конкурентной среды среди молодежи, повышения их занятость в бизнесе, производстве, сфере услуг и других сферах.

**Ключевые слова:** бедность, молодежь, рынок труда, занятость, экономически активный, уровень жизни, население, благосостояние, предпринимательство, бизнес, доход от человеческого капитала, заработная плата, безработные, бюджет, проект.

## IMPROVING THE SYSTEM OF INCREASING YOUTH COMPETITIVENESS IN THE LABOR MARKET IN REDUCING POVERTY

**Yusufaliyev Olimjon Abduraxmonovich** -  
 Senior teacher of Economics Department of Gulistan state university, PhD  
**Komilova Sarvinoz Kayumdjan kizi** -  
 Doctoral student of Gulistan state university

**Annotation.** In this article, Scientists' views, hypotheses, problems related to the field were studied in the field of statistical analysis in order to reduce poverty in our country, promote their employment in the labor market in order to socio-economic support of young people, create a healthy competitive environment among young people, increase their employment in business, production, service and other areas.

**Keywords:** poverty, youth, mehanat market, employment, economically active, living level, Population, Welfare, entrepreneurship, business, human capital income, wages, unemployed, budget, project.

**Кириш.** Дунё бўйича камбағаллик йирик муаммолардан бири бўлиб, унинг сабаб ва оқибатлари биргина давлатнинг ечими билан чекланмайди. Камбағаллик ва унинг оқибатларидан азият чекадиган аҳоли қатламларининг турмуш даражасини ошириш ва ҳаётини барқарорлаштириш, зарур шарт-шароитлар билан таъминлаш борасидаги ҳаракатлар дунё ҳамжамияти диққат марказидаги долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда республикаимизда, энг аввало, янги иш ўринларини ташкил этиш ва тадбиркорлик ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли, айниқса, ёшлар фаровонлиги ва бандлигини ошириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон тажрибасида кенг қўлланиладиган камбағал оилаларнинг доимий даромад манбаини яратиш, инсон капитали сифатини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш каби куйидаги 3 воситадан фойдаланилмоқда [1]:

Биринчи восита: камбағал аҳолининг доимий даромад манбаини яратиш;

Иккинчи восита: инсон капитали сифатини ошириш;

Учинчи восита: камбағал оилаларга тўғридан-тўғри моддий ва номоддий ёрдам кўрсатиш.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги вазифаларни ҳал этиш меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, юқори малакали ишчи мутахассисларни тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш заруратини келтириб чиқармоқда. Бунда ёш мутахассисларнинг, ёшларнинг ўрнини белгилаш ва уларнинг бошқа давлат ёшлари билан рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат бозорида, айниқса, 2018-2022 йилларда ёшлар фаоллигини ошириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан ёшлар бандлигини таъминлашга, уларни касб-хунар ва тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш мақсадида “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси ташкил этилди. Мазкур жамғармани ташкил этиш орқали ёшларга имтиёзли кредитлар ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатиш ҳамда тижорат банклари кредитлари бўйича кафилликлар бериш, ишсиз ва банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларга профессионал ўқитиш юзасидан қисқа муддатли курслар сонини кўпайтириш ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар жорий қилинди.

Бугунги кунда республикамизда ишсизларнинг 732 минг нафарини ёшлар ташкил қилади [2]. Ёшларни бизнесга ўқитиш, “Лойиҳалар фабрика”ларида янги ғоялар асосида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва молиялаштириш бўйича доимий ишлайдиган ҳамда ёшларга қулай ва қизиқарли бўлган янги тизимни яратиш ҳамда хориждаги ёшларимизга Ватанимизга қайтиб ишлаш, ўз бизнесини ташкил этиш, уларни уй-жой шароитларига ёрдам бериш йўлга қўйилиши учун бюджетдан қўшимча 100 миллион доллар маблағ ажратилди [3]. Миллий банк, Ёшлар ишлари агентлиги, Савдо-саноат палатаси нуфузли хорижий олийгоҳлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ёшларни тадбиркорликка ўргатиш бўйича янги бизнес мактаблари ташкил этилмоқда.

Шу каби ёш кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялашга қаратилган сиёсатимизни давом эттирган ҳолда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳар йили ҳоким, вазир, идора ва банк раҳбарлигига камида 2 нафардан ёш номзодлар захирасини тасдиқлаш белгиланган. Жорий йилдан бошлаб бундай иқтидорли ёшлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари

ҳисобидан чет элларда стажировкадан ўтишлари йўлга қўйилди. Шунингдек, халқаро нуфузли рейтингларда мингталикка кирган олийгоҳни тугатган ва чет элда илмий иш қилган ёш мутахассисларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби ишлаб чиқилган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Бир қатор олимлар ёшларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, уларнинг бандлик даражасини ошириш борасида ўз қарашларини келтириб ўтганлар, улар орасида Е.N.Ajani, R.N.Mgbenka, O.Onah таъкидлашича, қишлоқ жойларда бандликни таъминлаш зарурлигини таъкидлашган, қишлоқ хўжалигида ёшлар дуч келадиган асосий муаммолар орасида қишлоқ хўжалигидаги машаққатлар натижасида қишлоқ хўжалигига қизиқишнинг йўқлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун рақобатбардош бозорнинг йўқлиги, бошланғич капиталнинг етишмаслиги, операцияларни осонлаштириш учун меҳнатни тежаш технологияларининг етарли эмаслиги, молия/кредит имкониятларининг етарли эмаслиги ва шу кабилар киради. Натижада улар ўта камбағаллик ва заифликка олиб келадиган жиддий иқтисодий муаммоларга дуч келишмоқда. Бу, шунингдек, ёшларни иқтисодий жиҳатдан қучайтириш учун иқтисодийнинг бошқа соҳаларида иш излашга мажбур қилади, натижада қишлоқ-шаҳар миграцияси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий қисми, кўпинча, тирикчилик даражасида ишлаб чиқарадиган кекса одамлар қўлида қолдирилади, деб келтирилган [4].

Aryn\_Baxter\_David W.Chapman фикрича, тадбиркорлик таълими ва кадрлар тайёрлаш ёшлар ишсизлиги ва камбағаллигини камайтиришнинг ўзаро боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш бўйича ҳукумат ва нодавлат саъй-ҳаракатлари кенг тарқалган таркибий қисмидир. Ёшларнинг турмуш тарзини яхшилаш, самарали кадрлар тайёрлайдиган таълим имкониятларини лойиҳалаштириш ва дастурлар ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш бу борада қилинган олға қадамдир [5].

Kate Cooney, Trina R. Williams Shanks фикрича, ижтимоий сиёсат ва амалиётининг манзараси камбағалликка қарши курашда ёшларни бизнес ва бозор механизмларидан фойдаланадиган янги ёндашувлар билан ишлай оладиган кадрларни талаб қилади. Шунинг учун ёшларни бизнес муҳитида амалиёт билан бирга ўқитиш лозим [6].

А.Разумов таъкидлашича, Меҳнатга лаёқатли ёшлар учун камбағал бўлиш хавфининг ошиши билан боғлиқ омиллар мавжуд: маълумот ва малаканинг паст даражаси, иш тажрибасининг етарли эмаслиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, хизмат вазифаларини нотўғри

бажариши. Буларни ҳал қилиш мақсадида таълим даргоҳларида таълимни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш лозим [7].

О.Козлова, М.Макарова таъкидлашча, камбағалликни камайтириш сиёсати аниқ белгиланган ҳудудий тавсифга эга бўлиши керак. Камбағал аҳоли қишлоқ жойларда кўпроқ, иқтисодиётнинг ягона саноат тузилишига эга бўлган кичик ва ўрта шаҳарларда камроқ учрайди. Бундай ҳолда ҳудуднинг ўз-ўзини ривожлантириш, кичик бизнесда иш ўринларини яратиш, ички бозор ва оммавий истеъмолчига йўналтирилган иқтисодиётнинг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини ривожлантириш асосида бандлик кластерларини шакллантириш бўйича минтақавий ва муниципал сиёсатни ишлаб чиқиш керак [8].

М.В.Мезенева фикрича, камбағал ёшлар, кўпинча, турли хил фаолият билан шуғулланидилар, кўплаб майда ишларни амалга оширадилар, уларнинг ҳар бири беқарор ва кичик даромад келтиради. Асосий иш жойи учун тўлов, одатда, паст бўлади, бу эса кунлик иш қидириш зарурлигига олиб келади [9].

С.Қурбонов фикрича, ёшлар бандлигини таъминлаш орқали камбағаллик ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг беқарорлаштирувчи элементи сифатида кўрилиши ва ҳар бир мамлакатда трипартизм (ходим, иш берувчи ва давлат)га асосланган барқарор ва бирлашган халқаро саъй-ҳаракатлар орқали йўқ қилиниши керак. Шу билан бирга, ёшларнинг бу жараёнларига иштирокини ҳам ҳисобга олган ҳолда уларнинг бандлик масаласи биринчи ўринда ҳал этилиши лозим [10].

Г.М.Шадиева таъкидлашча, камбағалликни қисқартиришда ёшлар тадбиркорлик саводхонлигини ошириш, молиявий-иқтисодий билим ва кўникмаларини шакллантириш ва мунтазам равишда такомиллаштириш, аҳолини кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ҳар бир оиладан битта тадбиркор бўлишига эришиш, эркин рақобат муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш, ёшлар бандлигини таъминлаш йўналишида барча соҳаларда доимий иш ўрнини қайта тиклаш, янги доимий ва мавсумий иш ўринларини яратиш керак [11].

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқот давомида мақолада статистик таҳлил, маълумотларнинг қиёсий таҳлили, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш йўналишлари, ёшлар бандлигини қўллаб-қувватлаш жараёнлари аналитик таҳлил қилинди. Тадқиқот ишимизда аналитик таҳлил ва статистик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммолар очиб берилиб, унинг ечими

сифатида тегишли тартибда ҳулоса ва таклифлар, асосий йўналишлар келитириб ўтилди. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон ёшларининг иш билан бандлиги мисол қилиб олинган.

**Таҳлил ва натижалар.** Аини пайтда Ўзбекистонда 1,4 миллионга яқин расман ишсиз аёллар ва ёшлар бор. Ишсизлик даражаси аёллар ўртасида 13 %, ёшлар ўртасида 15 %ни ташкил этади [12]. Айтилса, Фарғона, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич юқоридир.

Шу билан бирга, қурилишда 104 минг, коммунал соҳада 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 68 минг, енгил саноатда 46 минг мутахассисга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда ушбу соҳаларда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ишсиз ёшларни мутахассисликка тайёрлаш зарур.

Шу ўринда айтиш жоизки, ёшлар бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришдаги яна бир муҳим йўналиш – қишлоқ хўжалиги. Бугунги кунда республика бўйича 21 та туманда 2 мингдан 4,5 минг нафаргача ёшга деҳқончилик учун ер ажратилган.

Ажратилган ер майдонларида ҳудудларда яшовчи ёш тадбиркорлар ўзларининг истиқболли лойиҳалари асосида кам сув сарфлаш усули, янги навларни етиштириш, чатиштириш, искана ва куртак пайвандларни амалиётда жорий этиш орқали юқори натижаларга эришилмоқда. Бу эса ўз навбатида, деҳқончиликнинг истиқболли лойиҳаларини яратишга туртки бўлиб келмоқда.

Шу билан бирга, аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ёшлар дафтари”га кирганларга уруғлик ва кўчатлар хариди учун 2 миллион сўмгача субсидия бериш ишлари амалга оширилиб келинмоқда [13].

Бугунги кунда 2021-2030 йилларда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш стратегияси ишлаб чиқилиб, мазкур стратегия икки босқичда – қисқа ва ўрта (2021-2025 йй.) ҳамда узоқ (2026-2030 йй.) муддатларда амалга оширилиши белгиланмоқда [14]. Ушбу босқичларда назарда тутилган масалалар доирасида қуйидаги мақсадли индикаторларга эришиш белгиланган:

– камбағал аҳолининг иш билан бандлигига тўлиқ эришиш, бунда босқичма-босқич амалга ошириш орқали йилига 100 мингдан ортиқ эҳтиёжманд ёшлар ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган фуқаролар учун иш ўринларини квоталаш;

– ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган ёшларни ва камбағал аҳоли қатламларининг 50 минг нафарини рўйхатга олиш, фаолиятини бошлаш, меҳнат қуроллари сотиб олиши ва бошқа мақсадлар учун субсидиялар ажратиш;

– камбағал аҳоли қатламини касб-хунар, хорижий тил ва тадбиркорлик кўникмаларига

ўқитиш ҳамда танлаган йўналиши бўйича микрокредитлар ажратиш орқали фаолиятини бошлаши ёрдамида 50 минг нафар камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш;

– меҳнат бозорига кириб келган ёш мутахассисларни ҳимоялаш мақсадида янги касблар-

га қайта ўқитиш ёки малакасини ошириш курсларини ташкил қилиш.

Мамлакатимизда йилдан-йилга ёшлар қатлами кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиз олдида ҳал этилиши керак бўлган ёшларнинг иш билан бандлик муаммоси ҳали-ҳамон долзарбдир (1-жадвал).

1-жадвал

20-29 ёшдаги доимий аҳоли сони [15] (киши)

Худудлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>6 280 785</b>	<b>6 188 473</b>	<b>6 103 243</b>	<b>5 977 059</b>	<b>5 801 928</b>	<b>5 661 709</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	348 620	339 634	335 285	330 736	319 538	312 097
Андижон	572 551	568 744	561 585	545 651	527 290	511 448
Бухоро	350 719	342 941	335 099	324 243	313 714	304 726
Жиззах	272 847	269 676	265 976	259 698	252 365	244 996
Қашқадарё	637 982	630 225	624 702	614 196	595 801	581 144
Навоий	184 169	180 873	176 367	172 444	165 668	160 033
Наманган	539 263	530 993	523 560	507 968	490 291	476 037
Самарқанд	742 329	729 435	721 009	705 256	684 981	667 443
Сурхондарё	516 832	513 575	507 796	498 165	482 991	473 871
Сирдарё	165 605	161 894	157 376	153 450	148 464	145 217
Тошкент	531 372	519 027	503 947	486 917	456 177	444 396
Фарғона	700 402	690 608	680 734	663 835	639 451	618 076
Хоразм	339 799	335 177	334 463	329 698	322 002	314 911
Тошкент ш.	378 295	375 671	375 344	384 802	403 195	407 314

1-жадвал маълумотлари асосида кўриниб турибдики, доимий яшайдиган ёшлар қатлами йилдан-йилга камайиб бормоқда, сабаби ёшларимиз иш излаб, мигрант сифатида бошқа давлатларга чиқиб кетишяпти. Бир тарафдан бу ҳолат ижобий – улар ўзларининг иш билан бандлигини таъминлашмоқда, оила аъзолари учун пул маблағларини юборяпти, бу эса оиланинг иқтисодий ўсишига кўмаклашяпти. Иккинчи тарафдан эса мамлакатимиз тайёр ёш кадрларни йўқотяпти ҳам. Шунинг учун ёшларнинг иш билан бандлигини рағбатлантириш, уларнинг мамлакат ичида бандлигини таъминлаш масалалари долзарбдир.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ёшлар қатламида аёлларнинг ҳам бандлигини таъминлаш жуда муҳим жараёндир. Аммо эркакларнинг улуши юқорироқ эканлигини кўришимиз мумкин. Иш билан бандликда аёлларга ҳам шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳам муҳимдир.

Ўтган 2022 йилда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига 285 минг нафар ёшлар иш масаласида мурожаат қилган. Шундан 144 минг 700 нафари доимий ишларга жойлаштирилган. 44 минг нафари жамоат ишларига жалб қилинган, 72 минг 700 нафари эса касб-хунарга ўқитилиб, бандлигига кўмаклашилган.

21 минг 100 нафари ижтимоий муҳофазага олиниб, уларга ишсизлик нафақалари тайинлаб берилган [16].

Бугунги кунда республика бўйича 293 мингдан зиёд бўш иш ўринлари бор. Мисол учун, таълим, қишлоқ хўжалиги ёки соғлиқни сақлаш тизимида бўш иш ўринлари мавжуд. Вазирлигимиз томонидан ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчилари лавозими ташкил этилган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи банд қилишлари учун ҳоким ёрдамчилари томонидан субсидиялар берилади. Бундан ташқари одамларни уйларида банд қилиш учун томорқасига иссиқхоналар қуриб, касаначилик билан шуғулланишлари учун зарур асбоб-ускуналар сотиб олиб бериляпти [17].

Меҳнатга лаёқатли ёшларнинг мустақил равишда камбағалликдан чиқиши учун шароит яратиш куйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

1. Инсон ресурслари сифатини ошириш:

– меҳнат ресурсининг рақобатбардошлигини ошириш ва иш берувчилар ўртасидаги рақобатга асосланган меҳнат бозорини шакллантириш;

– барча мамлакатларда мавжуд бўлган ва иш тажрибаси ёки таълим тури билан изоҳлаб бўлмайдиган эркаклар ва аёлларнинг иш ҳақи ўртасидаги фарқ, яъни иқтисодий ташқи савдо ва инвестициялар учун очиш, бу гендер фарқини камайтиришга ёрдам беради;

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT IQTISODIYOTI

2-жадвал

20-29 ёшдаги доимий аҳоли сонининг аёллар ва эркаклар кесимида тақсимланиши [15] (киши)

Худудлар	2018		2019		2020		2021		2022		2023	
	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар
Ўзбекистон Республикаси	3 081 200	3 199 585	3 032 731	3 155 742	2 989 449	3 113 794	2 926 125	3 050 934	2 836 703	2 965 225	2 766 037	2 895 672
Қорақалпоғистон Республикаси	171 609	177 011	167 048	172 586	164 805	170 480	162 025	168 711	155 603	163 935	151 794	160 303
Андижон	279 412	293 139	276 976	291 768	273 424	288 161	265 478	280 173	256 032	271 258	247 853	263 595
Бухоро	172 566	178 153	168 541	174 400	164 524	170 575	159 254	164 989	153 962	159 752	149 648	155 078
Жиззах	133 212	139 635	131 625	138 051	129 694	136 282	126 642	133 056	122 907	129 458	119 164	125 832
Қашқадарё	310 431	327 551	306 496	323 729	303 866	320 836	298 735	315 461	289 478	306 323	282 042	299 102
Навоий	90 178	93 991	88 571	92 302	86 394	89 973	84 518	87 926	81 057	84 611	78 138	81 895
Наманган	262 512	276 751	258 065	272 928	254 815	268 745	246 918	261 050	237 999	252 292	230 928	245 109
Самарқанд	363 800	378 529	357 120	372 315	353 170	367 839	345 058	360 198	334 688	350 293	325 967	341 476
Сурхондарё	254 631	262 201	252 354	261 221	248 746	259 050	243 707	254 458	236 166	246 825	231 620	242 251
Сирдарё	81 846	83 759	80 129	81 765	78 208	79 168	76 439	77 011	73 857	74 607	72 210	73 007
Тошкент	257 978	273 394	252 107	266 920	245 127	258 820	237 365	249 552	222 142	234 035	216 576	227 820
Фарғона	342 804	357 598	337 619	352 989	331 893	348 841	323 444	340 391	310 985	328 466	299 955	318 121
Хоразм	168 226	171 573	165 786	169 391	165 248	169 215	162 837	166 861	159 038	162 964	155 382	159 529
Тошкент ш.	191 995	186 300	190 294	185 377	189 535	185 809	193 705	191 097	202 789	200 406	204 760	202 554

– касб-хунар таълими тизимини модернизац­ия қилиш ва талабни ташкил этиш шартла­рини чуқур ўрганишни яратиш;

– олий таълим муассасаларида мутахассис­лар тайёрлашда тармоқлар ва ҳудудий талаблар­дан келиб чиққан ҳолда қабул квоталарини шакллантириш;

– ҳудудий бандликка кўмаклашиш марказ­лари, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари негизида ўқув ва малака ошириш мажмуаларини ташкил этиш;

– касб-хунарга ўқитиш марказларини таш­кил этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари­ни фаол жалб этиш;

– Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ҳар бир ҳудудда ишсиз ёш­ларга касбий билим ва кўникмаларни, заруратга қараб чет тилларини ўргатиш бўйича мономар­казлар ва касб-хунарга ўқитиш марказлари таш­кил этилиши;

– бизнес марказлари билан биргаликда ишсиз фуқаролар ва меҳнатга лаёқатли ишсиз­ларни тадбиркорлик асосларига ўргатиш;

– оилавий тадбиркорлик дастурлари бўйи­ча маблағларнинг 70 %ини аҳолининг кам таъ­минланган қатламларига иш ўринлари яратиш­га қаратилган кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари­га йўналтириш;

– кам таъминланган аҳоли бандлигини таъминловчи корхоналарга банк кредитлари бериш;

– барча саволларга жавоб берадиган, якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланмоқ­чи бўлганлар учун тушунарли бўлган интерак­тив мобил иловалар, “бизнес навигаторлар”ни яратиш;

– савдо-кўнгилочар марказлар сонини кўпайтириш ва кўчма савдони ривожлантириш, бу борадаги ортиқча чекловларни олиб ташлаш.

2. Меҳнат ресурслари, меҳнат бозори ва ёшлар бандлигини ривожлантиришда ҳудудлар­аро номутаносибликларни бартараф этиш:

– қишлоқ жойларда кичик бизнес (коопе­ративлар, шахсий фермер хўжаликлари) ташкил этилишини рағбатлантириш;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кичик механизациялаш тамойилларини жорий этиш;

– қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш талабларига жавоб берадиган интенсив турлар бўйича меҳна ресурсини доимий иш билан таъминлаш орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини шакллантириш;

– кичик ишлаб чиқариш бирликларидан (кооперативлар, шахсий ёрдамчи томорқалар­дан) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини марказ­лаштирилган ҳолда харид қилишни ташкил этиш;

3. Меҳнат бозорини ривожлантириш ва ёшларнинг самарали бандлигини рағбатланти­риш [18]:

– ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш орқали яширин иш­сизликни камайтириш;

– яширин иқтисодиёт ва иш ҳақини қо­нунийлаштириш, ёшларнинг норасмий бандлик амалиётига, шу жумладан, истеъмол бозори, таълим ва тиббиёт соҳаларида барҳам бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– таркибий ишсизликни бартараф этиш, ишдан айрилганларга узоқ муддатли ёрдам дас­турларини ишлаб чиқиш: ишсизликларни суғур­та қилиш;

– кўшимча бандликни ривожлантириш, ногиронлар учун кўшимча иш жойларини яра­тиш;

– ёшлар ишсизлигининг ишсизлик даврла­ри ва малака даражаси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда турли бандлик дастурларида иштирок этишини таъминлаш;

– ишдан бўшатиш хавфи остида бўлган ташкилотлар ёш ходимларини касбий тайёргар­ликдан олдин ўқитиш, таълим муассасалари битирувчилари иш тажрибасига эга бўлиш мақ­садида амалиётдан ўтиш;

– ногиронлиги бўлган ёшлар учун иш ўринлари ташкил этувчи корхоналар фаолияти­ни рағбатлантириш;

– камбағалликнинг олдини олишда мав­жуд муаммоларни самарали ҳал этиш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари даромадларини ошириш, тадбиркорлик ёки бошқа меҳнат фао­лиятига жалб этишда фаол иштирок этаётган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини рағбатлантириш;

– ёшларни ишсизликдан ижтимоий ҳимоя қилиш. Узлуксиз таълим йўналиши бўйича бити­рувчиларни мақсадли (талаб бўйича таълим му­тахассисликлари) касб-хунарга ўқитишни таш­кил этиш.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан келиб чиқиб, бир нечта таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Биринчидан: кўчма семинарлар ташкил этиш. Тренинг мавзулар: Тадбиркорлик фаолиятини, Банк, пул-кредит, солиқ ва молиявий саводхонлик, маркетинг, менежмент, инновациялар ҳамда креатив фикрлашга доир бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан: маҳалла фуқаролар йиғини биноси ва ижтимоий тармоғида соҳага оид янгиликлар (имтиёз ва имкониятлар) тўғрисида хабарларни жойлаштириб (янгилаб) бориш, буклетлар ва бошқа материалларни тайёрлаб тарқатишни ривожлантириш керак. Ижтимоий

тармоқларда ёшлар тadbirkorлиги фаолиятини йўлга қўйишга оид қисқа роликлар ва маълумотларни жойлаштириб бориш зарур.

Учинчидан: маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги билан жойлардаги бўш бинолардан (ёки бинонинг бир қисмидан) самарали фойдаланиш чораларини кўриш бўйича ҳамкорликни кучайтириш орқали ёшларнинг бандлигини таъминлаш лозим.

Тўртинчидан: ёшларнинг катта қисми мавсумий иш билан банд бўлишини ҳисобга олиб, уларнинг куз-қиш мавсумида ишсиз қолишларининг олдини олиш мақсадида маҳаллий ижро органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда қиш мавсумида ёшларни бандлигини таъминлашга қаратилган тadbirkorлик фаолияти турларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш лозим.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Узакоев К.П. Камбағалликни қисқартиришда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари. // *Academic research in educational sciences*. 2021. № 10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kamba-allikni-is-artirishda-a-oli-bandligini-taminlash-masalalari>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида шакллантирилди.
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/01/work/>
4. Karnani A.G. Reducing poverty through employment. // *Ross School of Business Paper*. 2009. № 1132.
5. Baxter A. et al. Youth entrepreneurship education and training for poverty alleviation: A review of international literature and local experiences. // *International educational innovation and public sector entrepreneurship*. 2014. С. 33-58.
6. Cooney K., Williams Shanks T. R. New approaches to old problems: Market-based strategies for poverty alleviation. // *Social Service Review*. 2010. Т. 84. № 1. С. 29-55.
7. Разумов А. Рынок труда и бедность трудоспособного населения. // *Изучение проблем бедности в России*. – М.: Алекс, 2005. – 224 с. С. 124.
8. Козлова Ольга Анатольевна, Макарова Мария Никитична. Сокращение бедности в России в контексте реализации национальных целей развития. // *Журнал экономической теории*. 2020. № 4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sokraschenie-bednosti-v-rossii-v-kontekste-realizatsii-natsionalnyh-tseley-razvitiya>
9. Мезенева М.В. Бедность молодых семей: стратегия и особенности преодоления (на примере Вологодской области). // *Вестник Санкт-Петербургского университета. Социология*. 2011. № 4. С. 390-398.
10. Қурбониев С. Умумий бандлик тақчиллиги даражасини баҳолашнинг камбағалликни қисқартиришда зарурати. // “Экономика и туризм” международный научно-инновационный журнал. 2023. Т. 2. № 10.
11. Shadieva G.M. The essence of the concept of poverty-theoretical views. // *Confrencea*. 2022. Т. 5. № 5. С. 133-137.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.
13. <https://yuz.uz/news/mehnat-bozorida-yoshlar-raqobatdoshligi-oshirilmogda>
14. Do'stov Baxodir Tashpulatovich. Kambag'allikni qisqartirish va maqsadli ijtimoiy dasturlar. // *Ta'lim fidoyilari*. 2022. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kambag-allikni-qisqartirish-va-maqsadli-ijtimoiy-dasturlar>
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.
16. <https://mehnat.uz/uz> – Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги сайтидан олинди.
17. <https://uza.uz/uz/posts/bitiruvchi-yoshlar-bandligiga-qanday-komaklashilyapti-488724>

Jamshid Xudoyberdiyev. Milliy iqtisodiyotda kambag'allikni qisqartirish siyosati va uning ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmlari. // *Science and Education*. 2023. № 3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/milliy-iqtisodiyotda-kambag-allikni-qisqartirish-siyosati-va-uning-ijtimoiy-iqtisodiy-mexanizmlari>



**AHOLI FAROVONLIGI DARAJASIGA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK KO'RSATKICHLARINING TA'SIRINI MODELLASHTIRISH**

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a26](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a26)

**Toshaliyeva Saodat Toxirovna** -  
Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),  
Termiz davlat universiteti dotsent

**Annotatsiya.** Maqolada Legatum aholi farovonligi indeksiga kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning sanoat tarmog'idagi hajmi ko'rsatkichining ta'siri modellashtirilgan. Modellashtirishda chiziqli, eksponensial va darajali tenglamalardan foydalanilgan. Eng maqbul model tuzilib, aholi farovonligini ifodalovchi Legatum indeksining 2023-yilga qadar ko'rsatkichlari prognoz qilingan.

**Kalit so'zlar:** model, legatum farovonlik indeksi, kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, regressiya, chiziqli model, eksponensial model, darajali model.